



ҚАРОР

2011 йил « 14 » септембер

№ 554-18

ИП ООО «COSCOM» уяли алоқа корхонасига антенали
мачта иншооти қурилиш учун «Жарқудук осмонида
порлаган юлдуз» массивидан ер ажратиш тугрисида

Тошкент шаҳар ИП ООО «COSCOM» бош директори О.Мемигювеннинг туман ҳокимлигига ёзган 2011 йил 21 июлдаги №02-03-1/3450-сонли хатини урганиб чиқиб, туман ҳудудида уяли алоқа тизимини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 26-32-61, шаҳар қишлоқ кодексининг 38-39-54-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг 2003 йил 29 августдаги №357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун руйхатдан утказиш тарғиботлари тизимини тубдан тақмиллаштириш тугрисида» ги қарорига асосан мазкур масала юзасидан туман ҳокимлиги ҳузуридаги қурилиш эҳтиёжлари учун ер участкаларини ажратиш масалаларини қуриб чиқувчи ваколатли комиссиянинг далолатномаси ҳамда тақдим этилган келишув ҳужжатларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги қурилиш эҳтиёжлари учун ер участкаларини ажратиш масалаларини қуриб чиқувчи комиссиянинг ИП ООО «COSCOM» га антенали мачта иншооти қурилиш учун ер танлаш тугрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. «Жарқудук осмонида порлаган юлдуз» массивидаги қишлоқ ҳужалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан ИП ООО «COSCOM» га антенали мачта иншооти қурилиш учун №551-контурдан 0,05 гектар ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратиб берилсин.
3. ИП ООО «COSCOM» га қуйидаги вазифалар юклатилсин:
 - қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бўйича замонавий архитектура-шаҳарсозлик қонун талабларини ҳисобга олган ҳолда, тасдиқланган лойиха ҳужжатлари асосида амалга ошириш;
 - қурилиш ишлари тугалланиши билан иншоотларни туман Ер тузиш ва қучмас қишлоқ кадастр унитар корхонасидан руйхатдан утказиш ва ҳудуд атрофида қишлоқкаламзорлаштириш ҳамда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Н.Қуйлиев) га қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер майдонини ажратиб бериш ва қурилиш ишларини амалдаги қонунлар ҳамда тасдиқланган лойиха асосида бажарилишини назорат қилиш топширилсин.
5. Туман бош архитектори (А.Рахимов) га қурилиш ишларининг шаҳарсозлик қонун талаблари асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари З.Ниёзовга юклатилсин.

Туман ҳокими:

Ж.Х.Ибрагимов